

# ЎЗБЕКISTON



## OVOZI

IJTIMOIY-  
SIYOSIY  
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 20-MAY ■ PAYSANBA ■ 61 (27.236) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan.

### ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИ

«Германия — Ўзбекистон» жамияти таркиб топганига ўн йил тўлди. Ушбу айём муносабати билан Ўзбекистоннинг ГФРдаги элчихонасида ташкил этилган тантанали кечага бундестаг депутатлари, федерал муассасаларнинг масъул ходимлари, ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари, журналистлар ташриф буюришди.

«Германия — Ўзбекистон» жамияти президенти, немис парламенти депутати Вольф Бауэр ўз нутқида ГФР Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади. Бу борада жамиятнинг келгусидаги фаолияти икки мамлакат ўртасидаги маданий ва иқтисодий ҳамкорликнинг долзарб масалаларини ҳал этиш, Ўзбекистонда юз бераётган жараёнлар ҳақида немис ишбилармонлари ва ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари кенг воқиф этиш мақсадини кўзлабди.

ГФР мудофаа вазирлигининг давлат котиби Хнас Вагнер Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги сиёсий ҳамкорлик аксарият халқ-

ро масалалар юзасидан муштарак қарашларга асосланганини қайд этди. Унинг фикрича, икки мамлакатнинг террорчиликка қарши курашдаги ҳамкорлиги алоҳида эътиборга молик. Кечада сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, жамиятнинг сермахсул фаолияти икки томонлама муносабатларнинг юксак даражада эканининг ёрқин далилидир.

Таниқли немис меъмори Филип Мойзернинг Ўзбекистондаги қадимий ва замонавий меъморчилик тарихига доир қизиқарли тақдироти ҳамда ёрқин маданий дастур кеча иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

**Аслам АКБАРОВ**  
«Жаҳон» АА  
Берлин



### ЧЕГАРАДА НАЗОРАТ КУЧЛИ

Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган Марказий Осиёда энг йирик «Айритом» божхона мажмуи ишга туширилганига кўп вақт ўтгани йўқ. Бизни дунё билан боғлаб турувчи ушбу комплекс замонавий текширув ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, божхона назоратига мўлжалланган темир йўл, автоюк транспорти ва фуқаролар ўтиш йўлакчаларига эга. Бу ерда автотранспорт воситаларини назоратдан ўтказиш учун тўрт қаторли айвон, фуқароларни

кўриқдан ўтказиш хоналари ишлаб турибди. Барча турдаги назорат мутахассисларига эга мажмуада хушёрлик, огоҳлик, намунали хизмат бош шпор.

Суратларда: божхона навбатчилик хонасида капитан Йўлдош Шербобоев ва катта лейтенант Шўхрат Юсупов навбатчиликда; «Айритом» божхона мажмуи. **И.ХЎЖАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.**



### ҚОНЛИКЎЛДА РАҚАМЛИ АЛОҚА

Мустақиллик куни арафасида Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) кредити ҳисобига Ўзбекистон телекоммуникация тармоғини кенгайтиришнинг иккинчи босқичини амалга ошириш доирасида Қонликўл туманида 1100 та абонентга мўлжалланган янги рақамли АТС ишга тушади.

— Янги АТС маҳаллий, шахарлараро ва халқаро телефон алоқалари учун каналлар сонини кўпайтириш, турли хил сервис хизматларини тақдим этиш, боғланиш тезли-

гини, сўзлашув сифатини ошириш имконини беради, — деди «Қорақалпоқтелеком»нинг техник директори Курманғали Каилов. — Энди қонликўлликлар ҳам интернетдан фойдалана оладилар.

Шу кунгача туман ҳудудига узунлиги 4,6 километр бўлган кабель ётқизилди, АТСнинг янги биносиغا Япониянинг NEC ва Хитойнинг Huawei фирмаси ускуналари ўрнатилди.

«Туркистон-пресс»

Янги руҳи: Партия ва ёшлар

## «ПАРТИЯ СИЗГА СУЯНАДИ»



Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан ортигини ёшлар ташкил этади. Демак, шу йил 26 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларда уларнинг иштироки алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг учун ёшларнинг сиёсий маданиятини ошириш, фуқаро сифатида шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши қошида Ёшлар маркази тузилди. Кеча марказнинг навбатдаги тадбири бўлиб ўтди. У «Сайлов қонунчилиги ва ёш сайловчиларнинг ҳуқуқлари» масалаларига бағишланди. Мулоқотда Ёшлар маркази аъзоларидан ташқари Олий Мажлис депутатлари, ХДП фаоллари ва ёш партиядошлар, олимлар ва ёш журналистлар иштирок этди.

Сўхбат аввалида ЎзХДП МК биринчи котиби Аслиддин Рустамов ёшларга шундай мурожаат этди:

— Сизлар мамлакатимизнинг келажакисиз. Бугунги кунда партияимиз сафларида сиз тенги ёшлар 185000 нафарни ташкил этади. Демак, биз ҳар доим ёшларга ишонамиз, сўянаемиз. Қерақ бўлса, сизларга ҳар қандай ёрдамни беришга тайёрмиз. Ёшлар маркази ҳам айнан сизнинг манфаатларингизни кўзлаб тузилган...

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси, ЎзХДПнинг парламентдаги фракцияси аъзоси Нурдинжон Исмоилов «Парламент ислоҳоти: ҳуқуқий асослар ва демократик мезонлар» ҳақида гапириб берди. Нотиқ сайловнинг моҳияти, бўлажак сайловнинг ўзига хос хусусиятлари, унда партияларнинг иштироки, олдинги сайловлардан фарқи томонлари, Сенатнинг шаклланиши ва бу борада жаҳон тажрибаси ҳақида алоҳида тўхтади. Шундан сўнг кўзгин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар бошланди.

Савол: Баъзи мамлакатларда фуқаролар сиёсий партиялар учун овоз беради. Биздачи, одамлар сайловларда партияларга овоз берадими ёки шахсларга?

Жавоб: Биласизми, жаҳон тажрибасида сайловларнинг икки усули мавжуд: Мажоритар ва пропорционал. Мажоритар сайловларда фуқаролар

хар бир номзод учун овоз берадилар. Пропорционал сайловларда эса, сиёсий партиялар учун рўйхат бўйича овоз берилади. Унда депутат ким бўлишини голиб чиққан партия белгилайди.

Бизнинг сайлов қонунчилигимизда фуқароларнинг ташаббускор гуруҳларидан номзод кўрсатиш институти мавжуд. Агар фуқаролар сиёсий партиялар учун овоз берадиган бўлса, унда, бу институтнинг ўрни қаерда қолади? Ахир бирор бир сиёсий партиянинг аъзоси бўлмаган ёки сиёсий партиядан номзоди кўрсатилгани хохламаган фуқаролар ҳам депутат бўлиб сайланишига ҳақли-ку? Шунинг учун биз сайловнинг мажоритар усулини қабул қилганимиз.

Савол: Бундан беш йил олдин бўлиб ўтган сайловлар вақтида баъзи мансабдор кишиларнинг одамларни фалон номзод учун овоз берасан деб, «қуюнчақлик» қилишганини эшитганман. Бу сайловларда шундай ҳолатлар бўлмайдими?

Жавоб: Йўқ, бўлмайди. Чунки, илгариги сайловларда бевосита маҳаллий ҳокимият вакиллари органларидан номзодлар кўрсатилган. Шу номзодларнинг кўпроқ овоз олиши учун айрим маҳаллий ҳокимлик вакиллари «қуюнчақлик» қилишган бўлиши мумкин. Эндиги сайловларда эса маҳал-

лий вакиллик органларидан номзод кўрсатилмайди. Демак, энди сайлов иштирокчилари ўртасида соф ва халол курашлар кетади, деб ўйлайман.

Сайлов вақтида овоз бериш кабинасида сизни ҳеч ким кузатиб турмайди ва айнан сиз кимга овоз берганингизни ҳеч ким аниқлай олмайди. Демак, ҳар қандай босим остида ҳам хоҳлаган номзодингизга овоз беришингиз мумкин.

Савол: Сенатор 5 ёшга тўлган бўлиши керак. Сенат маҳаллий Кенгашлардан шаклланиб чиқади, дедингиз. Маҳаллий кенгашларга 21 ёшдан депутат бўлиш мумкин-ку?

Жавоб: Тўғри. Лекин шундай бўлса-да, 25 ёшга тўлган маҳаллий Кенгаш депутати сенатор бўла олмайди.

Савол: Олий Мажлиснинг XIV сессиясида қабул қилинган «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунга асосан шахслар сиёсий партияга Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ва фуқаролари томонидан хайр-эхсон қилиш мумкинлигини айтиб ўтдингиз. Хайр-эхсон қилиш шахс сиёсий партияга босим ўтказишга ҳаракат қилмасмикан?

Жавоб: Агар шундай ҳолатлар сезиладиган бўлса, партия хайр-эхсон олишини рад этиши мумкин.

Мулоқот чоғида булардан ташқари ҳам жуда кўплаб саволлар ва уларга атофлична жавоблар берилди. Турли фикрлар, мулоҳазалар билдирилди. Мулоқот бошланганида ЎзХДП раҳбари умид қилганидек, у самимий, очик, баҳс-мунозараларга бой, демократик руҳда ўтди. Иштирокчилар бундай мулоқот, учрашувларни тез-тез ўтказиб туриш, уларни мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам кўпроқ ташкил этиш зарурлигини билдирдилар.

**БЕҲЗОД ШУКУРОВ,**  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири

Муносабат

## СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР МАКТАБИ

Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида кўппартиявийликнинг қарор топиши — ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамияти қуришининг асосий талабларидан бири. Чунки, сиёсий жараёнлар айрим олинган шахс сиёсий фаолиятдан иборат эмас. Ҳеч ким ижтимоий-сиёсий манфаатларини яқна ўзи ҳал эта олмайди. Шунинг учун ҳам фуқаролар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, сиёсий партияларга бирлашадилар.

Сиёсий партиялар, кўппартиявийлик тизими фуқаролар сиёсий ҳуқуқларини таъминлашнинг усули сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган. Унинг 12-моддасида мафкура ва фикрлар, сиёсий институтларнинг хилма-хиллиги қайд этилиб, 34-моддада фуқароларга сиёсий партия ва бошқа жамоат бирлашмаларига бирлашиш ҳуқуқи берилган.

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддасида: «Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўйбага чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир» деб кўрсатилган.

Жамиятдаги мавжуд ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий-сиёсий манфаатлари турлича бўлади. Кўп ҳолларда иқтисодий, маиший турмуш билан боғлиқ манфаатлар ҳуқуқий жиҳатдан фарқ қилади ва ўзаро зид келиши ҳам мумкин. Ҳар қандай

сиёсий партия ўз аъзоларининг туб манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бу манфаатларни рўйбага чиқариш, уларни ҳимоя қилиш мақсадида юзага келади ва фаолият кўрсатади.

Мамлакатимизда давлат, жамият ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатлар демократлашадиган. Давлатга қарашли бўлмаган тизимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари кенгаймоқда. Жамиятдаги муносабатларда ва бошқарувда уларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. 1994 йилда биринчи марта кўппартиявийлик асосида ўтказилган сайловлар жамиятимиз учун ҳам, сиёсий партиялар учун ҳам дастлабки имтиҳон бўлган эди.

Демократиянинг мумкин институтларидан бири — сиёсий партияларни ривожлантириш ва мустақамлашга мамлакатимизда катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Президенти И.Каримов ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда уларнинг ролини ошириш зарурлигига бир неча бор эътиборни қаратган эди. Иккинчи қақриқ Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши кўппартиявийлик тизимини янада ривожлантириш нуктаи назаридан анчагина муҳим ва долзарбдир. Мазкур қонун шах-шубҳасиз, сиёсий партияларни янада мустақамлашга, уларнинг имкониятлари ва фаолиятини кенгайтиришга ёрдам беради.

**Мафруза ИБАДУЛЛАЕВА,**  
Қорақалпоғистон Республикаси  
Адлия вазирлиги қонунчилик бўли-  
мининг бош мутахассиси

### ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Тошкент (ЎЗА мухбири Ж.Раупов). «Бизнес-Лизинг» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасининг тақдироти бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистоннинг энг йирик хусусий банки — «Бизнес банк», Кичик корхоналар бўйича Марказий Осиё ҳамгармаси (CASEF), Халқаро молия корпорацияси (IFC), Кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш жамгармаси (SEAF), АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) таъсис этди.

Қўшма корхона универсал бўлиб, ускуналар ва бошқа мол-мулк сотиб олишни молиялаш билан шуғулланади. Унинг асосий фаолияти кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига лизинг хизматлари кўрсатишга қаратилди. «Бизнес-Лизинг» муассислари томонидан яратилган салоҳият ва 1,2 миллион АҚШ доллари миқдоридagi низоом жамгармасини ҳисобга олиб айтиш мумкинки, ушбу компания бу соҳада етакчилардан бири бўлиш имкониятларига эга.

САФАР

Келсангу демаса биров майхоба,  
Келсанг ҳеч бир кимса айтмаси видо.  
Бундайин сафардан мурод не бўлди,  
Нега келтирдингиз кеткидизинг, Ҳудо?!

Абдулла ОРИПОВ,  
2004 йил 18 май



«Пилла — 2004»

Шаҳрихон туманидаги академик Тошмухаммад Саримсоқов номли ширкат ҳўжалиги «кумуш тола» ижодкорлари пилла тайёрлаш бўйича шартномавий режаларини вилоятда биринчи бўлиб бажардилар. Қабул оморларига 19 тонна сифатли ҳосил топширилди. Ҳўжаликнинг илгор пиллакори Матлубахон Мамадалиева бу йил ҳам бир қўти ипак қуртидан 103 килограмм ҳосил олиб, пешқадамлик қилди. Хайитхон Мамажоновнинг хирмони эса янада баракали бўлди: қўти бошига 110 килограмм! Усмонжон Абдуллаев бошлиқ оила аъзолари эса бир ярим қўти ипак қурти ҳисобига 155 килограмм хирмон кўтардилар.

— Беш йилдан буён табиий шароитга қараб, ипак қуртини эрта боқийни амалга оширишимиз яхши натижа берапти, —

дейди ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутати Усмонжон Бозорбоев. — Хитой Халқ Республикасида келтирилган қурт уруғини жонлантиришга қўйиб, хонадонларда 335 қўти ипак қуртини плёнка остида (агротехника талаблари асосида) парвариш қилдик. Асосий озуқа — тут баргидан ҳам ўта тежамкорлик билан фойдаландик. Хирмонимиз тарозига мўлжалдагидан 4-5 кун олдин қўйилди. Имкониятларини ҳисоблаб, ялли хирмонни 24 тоннага етказишга ҳаракат қилаёғимиз...

Пешқадам ширкат ҳўжалигида ўтган йили 20 тонналик «кумуш тола» хирмони яратилганди. Бу йилги хирмон яна 4 тоннага кўпаяди. Демак, 17 миллион сўм даромад қилинади.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири

Суратда: ҳўжаликнинг илгор пиллакори Мунираҳон Каримова. У бу йил 1,5 қўти ипак қуртидан 185 килограмм ҳосил олди.  
**Хурсандбек АРАББОВЕВ олган сурат**

**ХАЛҚ БАНКИ** —  
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

ЎЗБЕКISTON HAVO YO'LLARI  
**TOSHKENT**  
XALQARO  
AEROPORTI

«QUVA MEBEL»  
XONADONINGIZ FAYZI

**TOSHKENT SHAHAR**  
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI  
MULKDORGA HAMKOR!

Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74  
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz



Қадрият — ўзликни англаш

Президент Ислам Каримов 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни зиёлилар билан мулоқот пайтида миллат келажига ва миллий гуруҳ ҳақида сўз юритар экан, илгарилари ҳам таъкидлаган бир фикрини янада лунда ва аниқ қилиб ўртага ташлади: **миллат бор экан — ҳаёт бор, миллат бор экан — келажак бор.** Бу, албатта, исбот ўйлантирувчи, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос бир ҳикмат, яъни миллат бор экан — овоз ва эркин ҳаёт бор, миллат бор экан — тўкин ва фаровон келажак бор.

мизда қирқ минг атрофида. Давлатимиз ва жамоатчилик уларга алоҳида эътибор бериб келаятир. Ҳар йили Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида ҳукумат қарори чиқмоқда. Парвардигор умр-

ди. Биз бугун шунга аниқ биламизки, муқаддас маконимиз Ўзбекистонда ўзбек халқи миллат сифатида неча асрлар муқаддас шаклланди. Халқнинг миллат сифатида шаклланиши унинг миллий давлатчилиги тарихи билан боғлиқ. Халқ қачонки ўз худудига, ўз эр-

файли буюқ давлат ўрнида хонлиқлар ва амирликлар пайдо бўлган. Муттасил ҳукм сурган ноҳилик, тор доирадаги манфаатлар туйғули рўй бериб турган низола, замонавий илм-фанга нописандлик, хонлиқлар ва амирликларнинг мудофаа салоҳиятига лоқайдлиги

Миллат бўлиб шаклланиш эканми, орадан сир чоғаверида. Негаки, миллатнинг тўқислиги ҳар бир фуқаронинг ҳаётда ўз ўрнини тўғри англаши, оиласи, халқи ва Ватани олдидаги фарзандлик бурчини нечоғли тушуниши билан боғлиқ. Маъжозий маънода айтганда,

Миллатнинг шаклланиши турли давлатда турлича кечишини кўриш мумкин. Биз ҳавас қиламизки, АҚШ фуқароси қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, ўзларини бир миллат вакиллари, яъни Америкаликман деб билишади ва бундан ифтихор қилишади. Бир жойда ўқиганман: биз ҳавас қилаётган мана шу Америка Мустақиллигининг дастлабки юз йилда куллик бекор қилинмаган экан, дастлабки бир юз эллик йилда хотин-қизлар, дастлабки бир юз тўқсон йилда негрлар сайлаш ва сайлашни ҳуқуқига эга бўлмаган экан. Бугун буларнинг ҳаммаси ортда қолган.

Миллатни улуглаш бу ҳақиқат. Афсуски, биз ўз иллатларимиздан кам сўз очамиз. Ўзбекчилик дейилмиш, аслан ижобий тушунарчи қалқон қилиб, иллатларимизни ҳам унга ўраб бергимизки бўламиз. Уруғ-аймоқчилик, қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик каби инсоний муносабатларда жоиз тушунарчи ўз қобилини ёриб чиқиб, давлат иши, хизмат фаолиятимиз билан боғлиқ жараёнга аралашиб кетишининг олдини олишга оғирчилик қиламиз.

# МИЛЛАТ БОР ЭКАН — КЕЛАЖАК БОР!

ларини зиёда қилсини, маълум бир йиллар ўтиб, улар орамизда қолмайди. Инсон хотираси эса абадий. Бинобарин, Хотира ва Қадрлаш куни келгуси авлод учун тарихий ва яхлит тушунча касб этади.

Биз яна шунга биламизки, Амир Темурдан сўнгги даврлар тарихдан сўнгги даврлар тарихини миллат сифатида инқироз сифатида ўрин олган. Шахзодаларнинг узоқни кўра билмасликлари ту-

боис, охир-оқибат, миллат ўз эркини бой бериб мустамлакачилик зулматига шўнғиди. Чор Россияси ва Шўролар истибодининг бир юз ўттиз йилдан зиёд номи билан миллатлар силсиласидан ўрни олади. Бизнинг тарихимизда бу кўпроқ сулолалар номи билан юритиб келинган. Ўзбек халқининг миллат сифатида юксак кўтарилиши даври, бу табиийки, Соҳибқирон Амир Темур даври билан боғлиқ.

тўқсон тўққиз бовли ўзбегу, тўқсон тўққиз миллат вакиллари аҳилиги, ўз қисматини Ватан қисмати билан чамбарнас кўра олишига боғлиқ. Президент, суҳбатда қайд этганидек, миллий гуруҳимизга боғлиқ Ориятли одам оғриқ юрагини минг ўртаса ҳам кўнгул дардини дастурхон қилмайди. Ўз дарағи ўзи даво топади. Мустақил давлатимиз ривожидида айрим ўткинчи муаммолар шундай оғриққа ўшайди. Афсуски, сабр-чидам кўрсатиб, унга даво топаётган ким, оёғига зигирдай зиратча кирса, оламини бошига кўтариб айюҳаннос солаётган ким?

Бундай иллатлар талайгина. Уларнинг барчаси аллақачон, бундан етти йил муқаддам «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобидан ички таҳдидлар сифатида батафсил кўрсатиб берилган. Афсуски, хали-ҳануз улардан етарлича хулоса чиқариб олганимиз йўқ.

Албатта, ҳар кимнинг ҳаётга ўз қарши бор. Қарашлар қанчалик ранг-баранг бўлса шунча яхши. Лекин улар бир нуқтада биравлашади лозим. Бу — халқ манфаати, миллат манфаати, Ватан манфаати. Бунини ўйлаган эл-улус миллат бўла олади. Миллат бор экан — ҳаёт бор, миллат бор экан — келажак бор!

Саъдулла ХАКИМ

Матбуот ва ҳаёт

## ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ

Оммавий ахборот воситалари ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда муҳим ўрин тутаяди. Улар жаҳонда сўз эркинлиги, фикрлар ранг-баранглиги, соғлом муҳит пайдо бўлиши учун хизмат қилади. Шунингдек, XXI аср ахборотлар асри деб ҳам эътироф этилмоқда. Дарҳақиқат, бугунги кунда ТВ, радио, матбуот, интернет каби замонавий технологиялар воситасида дунёнинг у чеккасида бу чеккасига яқин тезлигида ахборот узатиш мумкин.

Рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини очиб беришда, одамларнинг турли-туман қарашларини ифода-лашда, воқеликни холисона, аниқлик ва тезкорлик билан ёритишда журналистларнинг ўрни беқасб. Аммо шунинг эътирофи керакки, мамлакатимизда ОАВнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлар билан кафолатланган бўлса-да бу эркин одамларнинг қизиқишини ўйғотадиган мақола-лар, кўрсатувлар, эшитишлар жуда кам. Негадир журналистларда дадиллик, ҳозиржавоблик етишмаяпти.

Журналист ҳакам эмас. Унинг ақл ўргатишга, маслаҳат беришга, хулоса чиқаришга ҳаққи йўқ. Лекин журналистларимиз орасида «билагон»лари учраб туради. Аслида журналист воқеани қандай бўлса, шундай ёритиши, оммага ўз фикрини ҳаёбда тикштиришидан таяёр хулоса беришдан, ҳакамлик қилишдан тийилгани яхши.

Журналистлар билан бўлган учрашувларнинг бирида Президентимиз «Демократик ва эркин матбуот қандай бўлиши керак?» деган саволга шундай жавоб берган эди: «...жамоатчиликнинг, халқнинг ҳоқимиятга нисбатан, Президентга нисбатан, умуман мансабдорларга нисбатан билдирган фикрини ифодаловчи матбуотга демократик матбуот хисобланади. Одамларда ҳар хил фикр бўлиши табиий: ҳокимият биттасига ёқади, биттасига ёқмайди. Биттасининг хафачилиги бор, биттасининг аламзадалиги, биттасининг норозилиги, биттаси нима исташини ўзи ҳам билмайди. Матбуот буларнинг ҳаммасини ифодалаб бориши керак. Ўн хил, юз хил фикр бўлса ҳам ҳаммасини бериш керак, шунга биз чидашимиз даркор».

Яна бир масала. Ҳозир кўппартиявийлик тизими қарор топиб, у ўз тажрибаси ва ўрнига эга бўлиш даврини бошидан кечирмоқда. Маълумки, демократия ҳар доим кўппартиявийликка асосланади.

Бундан ташқари жамиятимизда давлат тузилмалари ва сиёсий партиялар билан мувозанатли таъминлашга қодир бўлган жамоат бирлашмалари тизими ҳам шаклланди. Жамоат бирлашмалари бозор иқтисодиётига ўтиш, ҳуқуқий давлат, демократик ва фуқаролик жамиятини барпо қилишда давлат ва унинг органлари билан ҳамкорлик қилиш, ўз-ўзини бошқариш воситасида турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифода этиш ва уларни қондириш, халқ орасида демократик ғоя ва қондаларни тарғиб қилиш бугунги ўтиш даврининг долзарб вазифасидир. Албатта бунда, ОАВдаги фикрлар ранг-баранглиги катта роль ўйнайди.

Илгари собиқ иттифоқ матбуотининг фаолияти кўпроқ яққоҳим — коммунистик партия кўрсатмалари ва қарорлар асосида тартибга солиниб, том маънода ҳуқуқий муносабатлардан бутунлай четда қолиб кетган эди. Бу эса матбуотдаги фикрлар турфа хиллигига, яъни плюрализм ва демократияга тўқислиқ қилар, журналистиканинг эса эркин ривожланишига йўл бермас эди. Ваҳо-ланки, эркин матбуот демократик жамиятда қонунлар асо-сида ривожланиши, фаолият кўрсатиши керак.

Зеро, биз мустақил республикамиз оммавий ахборот воситаларининг халқро андозаларга мос ва ўзига хос тарзда ривожланиши, миллий манфаат йўлида хизмат қилишини истаймиз. Бунинг учун журналистларимиз яна-да чуқурроқ билимга, профессионал маҳоратга эга бўлмоғи, юрагида Ватан, Миллат яшамоғи зарур деб ўйлаймиз.

Назира АБДУАЗИЗОВА, тарих фанлари доктори, Жамшид НОСИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жаҳият қурилиши академияси тинлов-чиси

Халқаро кўргазма

У ҳар йилда республика Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва «Ўзэкспомарказ» кўмағида ўтмоқда. Кўргазмада Германия, Буюк Британия, Франция, АҚШ, Хитой, Польша, Хорватия, Россия, Украина, Қозғоғистон, Ўзбекистон сингари катор мамлакатларнинг 60 дан зиёд компаниялари ўз экспозициялари билан иштирок этмоқдалар. Зеро, бу гал РСМнинг экспозиция-лар майдони 25 фойза кўпайиб, кўргазма қатнашчилари-га нефть ва газ соҳасида эришилган ютуқларни кен-роқ намойиш қилиш имкони туғилди. Улар орасида дунёга таниқли Лукойл, Dresser-Rand, Sofregas, CGG, FAS, Gazprom, Interpipe, Sercel, Input/Output, MAN-GmbH, ZeroMax LLC, Volgaburmfash, Uzpek Ltd (UK), «Ўзбекнефтгаз» МХК ва бошқа нефть-газ мажмуалари вакил-лари бор.

ларини излаш, қазиб олиш, қайта ишлаш заводлари қури-лиши ва маҳаллий хомашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чи-қаришга кўмаклашмоқдалар. Қолаверса, Ўзбекистон шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари ўртасида табиий газнинг раз-ведка қилинган захиралари бўйича учинчи, суёқ углево-дорлар бўйича эса тўртин-чи ўринни эгаллаб турибди.

давом эттириш бўйича сар-моялаш лойиҳаси тўғрисида махсулот тақсимлаш битими имзоланди. Бу эса шу йилнинг июль ой-идан бошлаб, табиий газни қазиб олишни 200 млн. куб метргача етаклашни таъмин-лаш ва экспорт қилиш учун «Қорақалпоғистон» компрес-сор шаҳобчасидан фойдала-ниш имконини беради. 2005 йилдан бошлаб эса газ қазиб олиш ва экспорт қилиш ҳажми

денти Фармонида кўра «Ўзбекнефтгаз» МХКсига мамлакат худудида нефть-газ фаолиятини бошқариб бориш ва тармоқда кон-цессион муносабатларнинг дав-лат бошқаруви бўйича ва-колатли идора вазифаси юклатилган. Компаниянинг Низом жамғармасининг 51 фойза давлат мулки ҳисоб-ланиб, 49 фойза хорижий сармоядорларга сотишга мўлжалланган.

### «Ўзбекнефтгаз» МХК:

## ЮТУҚЛАР НАМОЙИШИ

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» РЕСПУБЛИКА САВДО КЎРГАЗМАЛАР МАРКАЗИ (РСМ)ДА «НЕФТЬ ВА ГАЗ: ЎЗБЕКISTON — 2004» (OGU) ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИНИНГ САККИЗИНЧИ НАМОЙИШИ БЎЛИБ ЎТАЯПТИ



2002 йил декабрь ойида «Ўзбекнефтгаз» ва «Газпром» (Россия) компаниялари ўрта-сида «2012 йилга қадар стра-тегик ҳамкорлик тўғрисида битим» имзоланди. Унга кўра, Тошкент шаҳрида 2004 йил 14 апрелда «Ўзбекнефтгаз» ком-панияси ақил «Зарубежнефт-газ» ёпиқ акциядорлик жами-яти (Россия) ўртасида «Устойт нефть-газ минтақасидаги «Шопахта» қони ишлашини

йилига 400 млн. куб метрни ташкил этиши мўлжалланган. Битимга биноан 2004 йили та-биий газ экспорти 7,0 млрд. куб метр, 2005 йилдан бош-лаб йилига 10,0 млрд. куб метрни ташкил этиши керак.

Эндиликда «Ўзбекнефт-газ» миллий холдинг ком-панияси субхолдинг тарзи-даги тўртта акциядорлик компанияси фаолиятини бо-шқариб боради. Уч йилди-ки, Мамлакатимиз Прези-

Бир сўз билан айтганда, «Нефть ва Газ: Ўзбекистон — 2004» (OGU) халқаро кўргаз-маси ITE Group Plc компания-сининг дунё бўйича нефть ва газ соҳасидаги ихтисослашган йирик кўргазмалар туркуми-га кираяди. Мазкур кўргазма-лар бугунга қадар Москва (MOIG), Алматы (KIOGE), Ати-рай (North Caspian Oil & Gas), Миср (PROGAS), Туркия (TURKIOG), Саудия Арабисто-ни (SOPEC), Грузия (GIOGIE), Индонезия (IIOGE) каби мам-лакатларда муваффақият бил-ан ўтказилиб келинмоқда. 2005 йилда Йоханнесбург (Африка)да ўтказилмайдиган «Нефть Конгресси»нинг рас-мий ташкилотчиси — ITE Group Plc халқаро кўргазма-лар компанияси бўлади.

Шоҳидой МИРХАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари. Рашид ГАЛЕЕВ олган сурат

### УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИГА ҚЎЙИЛАДИ

Ажария мухториятининг янги мақоми бўйича консти-туция қиритилганидан ўзгаришлар лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилиши ҳақида Грузия парламенти қарор қабул қил-ди, дея хабар беради «Ин-терфакс» агентлиги.

Мазкур лойиҳа Грузия Президенти Михаил Саакаш-вили ва бир гуруҳ ҳуқуқшу-нослар томонидан тайёрланган. У Ажарияни мухторият мақомидан масуво этмайди, балки маъмурият ваколатини анчагина чеклайди. Масалан, тахминларга кўра, мухториятнинг янги ҳукумати тархибиде 18 та ўрнига 5 тагина вазирилик бўлади.

### «ҚОРА РҲҲАТ» ЯНГИЛАНДИ

Европа Иттифоқи тер-рорчилар ва террор фа-олиятга алоқадорликда гу-мон қилинаётган ташкилот-лар, ҳаракатлар ва гуруҳ-лар рўйхатини янгилади. Бу «қора рўйхат» Европа Иттифоқининг Умумий иш-лар ва ташқи алоқалар бўйича Кенгаши ўтказган йиғи-лида тасдиқланди. Италиядаги «Қизил бригада» (ЕИ институтлари ра-ҳбарлари номига портловчи моддалар «бандерол»ни жўнатиш билан шуғулланганини бўйинга олган) ва бошқа айрим ташкилотлар ушбу рўйхатга биринчи бор қиритилган. Қисқаси, Африка, Яқин Шарқ, Латин Аме-рика ва Евроладан 45 киши, шунингдек 46 та ташкилот номи рўйхатга тиркелган.

### «ХОРИЖДА»

«Новости» агентлигининг хабар беришича, ЕИга аёзо 25 мамлакат вазири улар жамғармаларини, иқтисо-дий ва молиявий манбаларини музлатиш сингари тер-роризмга қарши кураш чоралари тезкорлик билан қўлланилишини маъқулладилар.

## СОНИЯ ГАНДИ БОШ ВАЗИРЛИК ЛАВОЗИМИНИ РАД ЭТДИ

### Шарҳ

Маълумки, 20 апрелдан 10 май-гача тўрт босқичда бўлиб ўтган Ҳиндистон парламенти сайловла-рида «Ҳиндистон миллий конгрес-си» партияси ғолиб чиққанди. Таъ-кидлаш лозимки, Ҳиндистон мус-тақилликка эришганидан бери (1947 йил) бу йил ўн тўртинчи пар-ламент алмашинуви юз берди.

Ҳиндистон қонунчилигида кўра, ғолиб чиққан партия етакчиси мам-лакат бош вазири лавозимини эгаллаши лозим. Демак, ўз-ўзидан аёнки, бу лавозим «Ҳиндистон мил-лий конгресси» етакчиси Соня Ган-дига, яъни Ҳиндистоннинг бирин-чи бош вазири Жавахарлал Неру қизи бўлиши Индира Гандининг (собиқ бош вазири) ўғли Раживе Ган-ди (у ҳам бош вазири бўлган) бева-сига тегишли. Лекин Соня Ганди асли келиб чиқishi италиялик бўлганлиги учун унинг бош вазир-лик лавозимини эгаллаши кўп тор-тишуларга сабаб бўлмоқда. Тўғри, Соня етакчилигидаги партия вакил-лари унинг бош вазири бўлишини хоҳлашмоқда ва ҳатто бу лавозим-ни эгаллашга мажбурлашмоқда ҳам. Чунки, партия котиби Амбика Соня агар бош ва-зириликка кўнмаса, партиядан сай-ланган барча депутатлар ёлпасига истеъфога чиқишларини билдирди. Бирок парламентдаги бошқа сиё-сий кўчгар, айниқса, сайловда ю-қазиб қўлғач, ҳоҳимиятдан мосуво бўлган партия вакиллари турли му-нозараларни ўртага ташлаб, бахс ва тортишуларни авж олдириш-моқда. Шунинг учун ҳам Соня се-шанба кун мамлакат Президентини Абдул Қалом билан учрашувдан сўнг турли тортишуларга чек қўйиш мақсадида, бундан ташқари миллат шайини ўйлаб, бош ва-зирилик лавозимини рад этди. Ҳам эгаллаши лозим бўлган лавозимга бошқа номзодни тақдир этди. Бу «Ҳиндистон миллий конгресси» партияси раҳбарларидан бири, мамлакатнинг собиқ молия вазири

нига қайтишни хоҳлаган қизни уч-раштирди. Улар турмуш қуришган (1968 йилда), Ражив Ҳиндистон авиа-компаниясида учувчи бўлиб иш-лайди. Соня ва Ражив сиёсатдан узоқда яшаашарди. Бирок ҳаёт... Авахалокатда Раживнинг ака-си Санжай ҳаётдан кўз юмади. Индира Ганди шу ўғлини сиёсий ҳаётга таяёрлаб бораётганди. Аммо беаҳад тақдир... Сан-жайнинг ўлмигидан сўнг Гандилар сулоласининг сиёсий ҳаётдан йўқ бўлиб кетишини Индира тасав-вурига сиғдиролмади. Шунинг учун оила келажигини Раживда қўрди.

Кўп ўтмай (1984 йил 31 сен-тябрь тонгида) Индира Ганди тер-рорчи раҳбарларнинг қўлига дуч келди (уни сиқилардан бўлган ўз қўриқчиси отади). Уша пайтда сиқилар сепаратизм ҳақиқиятида бўлиб, Пан-жоб шатини Ҳиндистондан аж-ратиб, унинг Покистонга қараш-ли қисми билан қўшиб, Холлистон давлати тузиш иштиёқида кураш олиб боришарди). Индира ўлими-дан кейин жамоатчилик унинг ўрнига Раживни сайлашди.

Бирок 1991 йилнинг 19 майи-да унга ҳам суиқасд уюштириш-ди («Тамил илама озошлик йўлбарслари» террорчи ташкило-ти вакили собиқ Мадрас, ҳозир-чи Ченнаиди унинг жонига қасд қилди).

Ушандан бери Соня террордан жабр кўрганларга кўмак бериш ишларига шўнғиб кетди, яъни Ра-жив жамғармасини тузиб, уни ўзи бошқарди. Уни бир неча марта Жавахарлал Неру асос солган, Индира ва Ражив Гандилар бош-қарган партияга етакчилик қилиш-га тақдир этишган. Бирок у ҳар сафар рёб этиб келган. 1998 йил-дагина бу тақдирга розилик бил-дирган.

1999 йили биринчи марта пар-ламент сайловларида иштирок этган, лекин ютқазган. Мана энди эса жуда катта фарқ билан («Ба-ратия жанат партияси»дан 30 та кўп овоз олган) ғолиб чиқди.

Шу ўринда айтиш лозимки, тақ-дир синовларидан мардона ўта билган ва бунга кўнжикан Соня бу сафар яна синовларга дуч кел-миш ким бўлишини муҳокама этди. Уларнинг айримлари ҳатто агар Соня бош вазириликка кўнма-са, ўзларини ёқиб юбориши мум-кинлигини ўқидириб, таҳдид ҳам қилдилар. Бирок Соня Ганди партиянинг парламентдаги етак-чиси бўлиши афзал билди.

Алишбек ТОШБЕК

Меҳр ва мурувват — олий қадрият

Гузал инсоний сифатлардан бўлган меҳр-оқибат туйғуси курраи заминнинг ҳамма буржида урф бўлмаган, ҳатто баъзи жойларда маъжуд ҳам эмас. Яна бир томони — у инсонийликнинг олий тамойиллари тантана қилган жойлардагина ёрқин намён бўлади. Ўзбекининг инсонийлиги четдан туриб разм солган кишига унинг қимлиги-ю, қандай аъмолларга одат қилиб яшашни яхши маълум. Бизни таъини билан миллатларнинг аксарияти ўзбекининг қон-қонига жо бўлган ва узоқ аждодларига бориб тақалладиган қайноқ меҳри-оқибати, саховатпешалиги-ю меҳмондўстлигига тан беришган.

нарсаси ҳам аслида эзгулик, бунда бошқа ҳеч қандай ҳикмат йўқ. Меҳр ва мурувват эса ана шу эзгуликнинг гултожи, энг яхши намунаси. Меҳр-мурувват авваломбор юрт тинчлигининг, осийишталиги, қуч-қудратининг кафолати. Меҳр-оқибат инсониятга ана шунинг учун керак. Бизда бу олижаноб туйғу унинг қимлиги-ю, қандай аъмолларга одат қилиб яшашни яхши маълум. Бизни таъини билан миллатларнинг аксарияти ўзбекининг қон-қонига жо бўлган ва узоқ аждодларига бориб тақалладиган қайноқ меҳри-оқибати, саховатпешалиги-ю меҳмондўстлигига тан беришган.

бий тикланиш марказида даволанувчилар сони ўтган 2 йил ичида аввалги йиллардагига нисбатан сезиларли орди. Маблағ ҳам шунга яраша берилди. Натижа шу бўлдики, вилоятимизда ногиронларни тиббий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг сифати орди. Соғлиғини тўла тиклаганлар сони 2001 йил 2255 кишидан иборат эди. Бу кўрсаткич кейинги йили 14,2 фоизга, ўтган йили эса яна 5,5 фоизга орди. Соғлиғини қисман тиклаганлар сони энди уч йил олдинги кўрсаткичдан 27 фоиз ордиқдир. Шу йиллар мобайнида вилоятимизда ногиронлардан 567 нафари махсус аравачалар, 627 киши протез буюмлари, 288 киши эшитиш воситалари билан таъминланди, улар ижтимоий жиҳатдан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда. Кейинги пайтларда ўзига тўқ юртдошларимиз эл-улус учун ўз ҳисобидан кўприк, мактаб ёки ҳатто мўъжаз шифо масканлари барпо э-

ётгани кишини қувонтиради ва бошқаларни ҳам саховатпешаликка чорлайди. Меҳр кўрсатиш, мурувват улашиш туйғуси кўпгина элдошларимизнинг ҳаёт мазмунига айланди. Яқинда Хоразм вилоятини ягона, ота-она тарбиясидан маҳрум, ногирон ва касалманд болалар масканида бўлганимизда кизик манзаранинг усидорасида бир кенгаш бўлди. Йилнинг иштирокчиларидан Наврўз байрами муносабати билан муҳтож оилаларга бахона-қудрат мадад кўрсатиш сўралган эди. Ушунда айрим бой-бадавлат хонадон соҳиблари ўзларини ноҳор қиёфада кўрсатилгандаки, охири-оқибат маҳалла мутасаддилари улардан «Зоримиз бору,

қани бир қўлинг билан бер, иккинчиси уни билмасин» дейилган. Хайр-садақа холисона тарзда рўбга чиккагина савобидан баҳраманд бўлмай дейишди кексалар. Агар у ошкор этилса, савобидан барака учди ва ниятнинг сохталлиги аён бўлади. Бизнинг назаримизда меҳр-мурувват тарғибот-ташвиқот ёки бировлар даъвати, ундовидан қўра қалб амри, одамийлик фарзлари асосида амалга ошмоғи даркор. Бу эзгу ниятни фақат Яратаннинг ўзинигина дилингизга жо эта олади. Акс ҳолда бу савобли тадбирнинг қиммати ҳам, аҳамияти ҳам қолмайди. Таниқли адиб, ҳадис илмининг фаол тарғиботчиси, устоз Фозил ҳожи Зоҳидовнинг таърифига, хайрия ҳеч маҳал беиз кетмайди, пинҳона қолмайди. Уни кўпчилик билмасида-да Аллоҳ Таоло доимо кўриб ва қилиб туради. Ва унга қўл урганни ўз марҳаматидан баҳраманд этади. Шундай экан, меҳр-мурувватга бел боғлаганлар учун ясама ном, олқиш-мақтовлардан қўра Аллоҳнинг марҳамати азиз ва афзал эмасмикин? Холисона меҳр ва мурувват инсонийлик гултожи эканлигини оқибати кишилар ҳаргиз унуттирмайди.

Меҳр-мурувват сўзининг маъноси теран. У эзгуликка интиланган йўли ҳамини раво, орзулари эса доимо ижобат бўлади, дегани. Эзгу амаллар ва эзгу ўй-файрлар мўмин инсонга айнан шу нўн зарур. У инсонийлигимиз фарзи ва қарзи. Абдулла СОБИРОВ, журналист

қани бир қўлинг билан бер, иккинчиси уни билмасин» дейилган. Хайр-садақа холисона тарзда рўбга чиккагина савобидан баҳраманд бўлмай дейишди кексалар. Агар у ошкор этилса, савобидан барака учди ва ниятнинг сохталлиги аён бўлади. Бизнинг назаримизда меҳр-мурувват тарғибот-ташвиқот ёки бировлар даъвати, ундовидан қўра қалб амри, одамийлик фарзлари асосида амалга ошмоғи даркор. Бу эзгу ниятни фақат Яратаннинг ўзинигина дилингизга жо эта олади. Акс ҳолда бу савобли тадбирнинг қиммати ҳам, аҳамияти ҳам қолмайди. Таниқли адиб, ҳадис илмининг фаол тарғиботчиси, устоз Фозил ҳожи Зоҳидовнинг таърифига, хайрия ҳеч маҳал беиз кетмайди, пинҳона қолмайди. Уни кўпчилик билмасида-да Аллоҳ Таоло доимо кўриб ва қилиб туради. Ва унга қўл урганни ўз марҳаматидан баҳраманд этади. Шундай экан, меҳр-мурувватга бел боғлаганлар учун ясама ном, олқиш-мақтовлардан қўра Аллоҳнинг марҳамати азиз ва афзал эмасмикин? Холисона меҳр ва мурувват инсонийлик гултожи эканлигини оқибати кишилар ҳаргиз унуттирмайди.

Инсонийликнинг фарзи ва қарзи

Саховатпешаликни кимдир чин дилдан эзгу ният билан, кимдир эса ном чиқариш учун қилаётгани хусусида мулоҳазалар

рат эди. Бу кўрсаткич кейинги йили 14,2 фоизга, ўтган йили эса яна 5,5 фоизга орди. Соғлиғини қисман тиклаганлар сони энди уч йил олдинги кўрсаткичдан 27 фоиз ордиқдир. Шу йиллар мобайнида вилоятимизда ногиронлардан 567 нафари махсус аравачалар, 627 киши протез буюмлари, 288 киши эшитиш воситалари билан таъминланди, улар ижтимоий жиҳатдан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда. Кейинги пайтларда ўзига тўқ юртдошларимиз эл-улус учун ўз ҳисобидан кўприк, мактаб ёки ҳатто мўъжаз шифо масканлари барпо э-

тидан чиқдик. Боғча деярли бўм-бўш эди. Муассаса ходими кўнгли ўксик болаларни тарбиячи ва анағалар шабба ва яқшанба кунлари оила муҳитида фарзандлари билан бирга тарбиялаш учун ўз йўлига олиб кетишганини, ай-тиб қолди. Таъсилраниб кетдик. Узаганин хаста ва ногирон боласига ўз фарзанди сингари оналик меҳрини бағишлай олган қалби дарё опанингиларга нисбатан дилда қайноқ ҳис-туйғулар уйғонди. Шунда ўзим гувоҳи бўлган бир воқеа ёдимга тушди. Урган шаҳридаги Бобур номи маҳалла фуқаролар йиғини

эўримиз йўқ», дейишганди. Аммо, шу йилнинг иштирокчиси Раҳматулла ҳожи Саидов оиласи даромадини яшириш эмас, аксинча ошириб кўрсатиш пайида бўлди. «Оиламиз даромади йиллик эҳтиёжга яқин бўлган бўлиши билан, Мадани фақат Наврўз байрамида эмас, бошқа пайтларда ҳам уюштириш имконига эгамиз. Келинг, менга иккита камхарж оиланинг манзилини айтинг, уларни таъминлаб туришни ўз зиммамга оламан, — деди Раҳматулла ака. Утган йили бир бадавлат амалдорнинг хонадонига «худоий» маросимда қатнашдик.

«БАРЛОС БИЗНЕС»НИНГ ХАЙРЛИ ИШИ

Денов туманидаги мазкур фирма жамоаси ўтган йил охирида «Чўнтош» маҳалласининг тоғ ёнбағридаги адирликда жойлашган қадимий қабристонни обод қилишга бел боғлади. Ҳоқимият бу хайрли, савобли ташаббусни қўллаб-қувватлади. Фирма раҳбари, тадбиркор Алижон Норматов шахсий «Нексия»сини сотиб, дастлаб зиёратгоҳча бўлган икки километр йўлга тош ётқизди. Симёғочлар ўрнатилиб, электр энергияси узатилди. Қабристон ва унинг атрофига уч минг тупга яқин мевали ҳамда манзарали дархатлар экилди. Юқори қувватли насос ўрнати-

либ, «Чилмиро» каналдан сув чиқарилиб. — Айни «Меҳр ва мурувват йили»да бу ишга бел боғлаганлигимиз сабаби, — дейди А.Норматов, — ўтган йили ёд этиб, бирор савобли иш билан иш қолдириш эди. Мана, чиройли узумзор пайдо бўлди, ёшлардан 15 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди... Энг муҳими, маҳалламиз кўрк очди. Бировлар бунга саховат дер, лекин мен фирмамиздан қолмаган хайрли иш деб биламан... Абдумалик ХАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳикматли сўзлар МАЪНОСИ

ОЛТИН БАЛЧИҚҚА ТУШСА ҲАМ — ОЛТИН

«Марварид лойга қорилса ҳам — марварид», «Дур балчиққа тушса ҳам — дур», «Олмосни лойга отсан ҳам — олмос», «Олмос ерда қолмас», «Гавҳар балчиққа тушган билан, баҳоси ушаламас», «Гавҳар кул ичида ҳам билинар», «Кўёш булут ортида ҳам ёруғ туради», «Гулнинг «тўни» кирк парча бўлса ҳам — гул», «Оёққа чўлғос қилсан ҳам, асил ипак бўз бўлмас», «Яхши одам йиртиқ тўнда ҳам — яхши», «Яхши — хунук либос билан ҳам яхши». Бу мақолларни: «Яхши одам бошига бирор мусибат тушиб ё тумхтага йўлиқиб, амалидан ёники мол-ҳолдан ажраб, ноҳор аҳволга тушиб қолгани тақдирда ҳам, унинг яхшилигини билган, тан олган, қадрлайдиган одамлар ўртасида аввалги оёғу-эҳтиборини, қадр-қимматини, иззат-ҳурматини йўқотмайди», деган маънода қўллайдилар.

ЮЗ АЁГИ ТУФРОДИН ОЛМОН УШБУ ВАЖЪ ИЛА, КИМ НЕЧА ТУФРОГ ИЧАНДА ТУРСА ОЛТИН СУД ЭРУР. (Навоий)

ОЛМОҚНИНГ БЕРМОҒИ ҲАМ БОР

Халқимиз ҳалоллик ва тўғрилиқни, биронинг ҳақиқа ҳиёнат қилмаслигини энг яхши инсоний фазилатлардан деб билади. Бир туркум мақолларда бировдан омонатга олган нарса, қарзни қайтариб бермоқ албатта зарур, деб қайта-қайта уқтирилганини боиси ҳам ана шунда: «Омонат — қиммат зар», «Омонат омонатга қилма ҳиёнат», «Ол қўлим, бер қўлим», «Олмоқнинг бермоғи бор, емоқнинг — қусмоғи», «Товоқ сизданган — бую тўлайди», «Арқон узган — қайиш тўлар» («Биронинг бирор қосими омонатга вақтинча фойдаланишга олган бўлсан-у, у нарса си қўққисдан синса, узилса, бузилса, эгасига ундан яхшироқ буюм қайтариб бер. Акс ҳолда хижолат тортиб юрасан, қўлинг тинчмайди, эгаси ҳар бир жойда ўзининг ўша буюминини мақтаб: «Фалон эди, писмадон эди» деб, одамлар олдида сени уялтиради, ноқулай аҳволга солиб қўяди», демоқчи), «Қўлинг билан берасан, оёғинг билан юрасан», «Олимсоқ кечикса, оёқ чиказар» («Бировдан қара ёхуд бирор нарса олган бўлсанг, кечиктирмай оқибор бер. Агар кечиктирсанг, у одамнинг ўзи сўраб келади, сени хижолат бўлиб қоласан», дейилмоқчи), «Қарз, қарзини бериш — фарз» (фарз — баҳарлиши зарур бўган вазифа, бурч).

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Х.Сулaimоновна номидаги республика суд экспертиза маркази жамоаси марказ фахрийси Марс Ибрагимович ЮСУПОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласи ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси газетанинг Сирдарё вилояти бўйича ўз мухбири Абдуҷалил Умаровга ўғли Алишер УМАРИЙНИНГ фожали вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Баркамол авлод орзуси



Бўлажак ҳамширалар маскани

Хўжайли Қорақалғистонда саноят, қурилиш, транспорт ҳамда кишлоқ хўжалиги соҳалари ривожланган туманлардан ҳисобланади. Бу ерда қўллаб маъийиш хизмат уйлари, қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, қўриб фойдаланишга топширилган лишей ва касб-ҳунар коллежлари туман ёшларининг замонавий билим сирларини эгаллаб, касб-ҳунар ўрганишларида муҳим омили бўлмоқда.



Ўтган йили Хўжайлида 600 ўринли тиббиёт касб-ҳунар коллежи қурилиши битказилиб ишга туширилган. Мазкур ўқув даргоҳида уч йўналиш, яъни ҳамширалик, даволаш, акушерлик бўйича кадрлар тайёрланади. 2003/2004 ўқув йилида 250 нафар ўғил-қиз ўқушга қабул қилинди.

Коллежда ёшларнинг билим олишлари учун барча қулайликлар яратилган. Компьютер хонаси, физика, химия ва бошқа фан кабинетлари, лабораториялар зарур жиҳозлар билан таъминланган. Хорижий тилини ўргатадиган лингафон хонаси иш-лаб турибди. 103 ўринли ётоқхона, 100 ўринли ошхона, 2 минг китоб фондига эга кутубхона талабалар хизматида. Замонавий спорт залида спортнинг 7-8 тури бўйича машғулотлар ўтказишга етарли шaroитлар маъжуд. Бу барча қулайликлар илгма чанқоқ ёшларнинг тиббиёт сирларини чуқур ўрганиб, малакали кадрлар бўлиб етишларида муҳим ўрин тутди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



Суратларда: 1) компьютер залида машғулот пайти; 2) коллеж директори Аҳмад Мадаминов касбдошлари даврасида; 3) тиббиёт коллежининг умумий кўриниши.

Бердиниёз АЛЛАШЕВ олган суратлар

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДАН ТАШИЛАДИ

Дзюдо. Қозғистонда XVIII ёзи Олимпия уйинларига йўланма берувчи қўшма чемпионати баҳслари пўнига етди. Ўттиздан ортиқ давлат вакиллари иштирок этган ушбу нуфузли мусобақда мамлакатимиз спортчилари ҳам муваффақиятли қатнашдилар. Уз вази тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратган дзюдочимиз Рамзиддин Саидов (81 кг.) шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Шунингдек, беллашувлар якунида ҳамюртларимиздан Мурод Каликулов (66 кг.), Эгамназар Акбаров (73 кг.), Вячеслав Петрейко (90 кг.), Абдулла Тангриев (+100 кг.)лар мусобақанинг бронза медалларига муносиб топилди. Умиди полвонларимиздан яна бири Санжар Зоқиров (60 кг.) эса бешинчи ўрин билан қифолянди. Хабарингиз бор, вакилларимиздан Э.Акабаров ҳамда А.Тангриевлар сал аввалроқ Афина олимпиадаси йўланмаларини қўлга киритганди. Осие чемпионати улар учун яна бир синов

Тошкентда ўтган дастлабки учрашувда пахтакорчилар (3:1) ғалаба қозонган. Жиззахдаги жавоб уйинида (1:1) дуранг натижа қайд этилганди.

«НЕФТЧИ» ЯНА ЮТҚАЗДИ

Осие чемпионати лигаси баҳсларида қатнашаётган мамлакатимизнинг етакчи жамоалари — «Нефтчи» ва «Пахтакор» ўз гуруҳларидаги сўнгги тур учрашувларини ўтказишди. Мусобақанинг «Д» гуруҳида тўп сураётган «Нефтчи» футболчилари бу сафар Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» жамоаси меҳмони бўлди. Учрашув гуруҳ пешқадами — саудиялик-

Интер-спорт

«ЕВРОПА — 2004»: ИТАЛИЯ ЖАМОАСИ

Италия терма жамоасининг бош мураббийи Жовани Трапаттонни Португалияда ўтказилган Европа чемпионатида иштирок этадиган футболчилар номини эълон қилди. Терма жамоа таркибига мамлакатнинг кучли футболчилари жамланган. Фақат терма жамоага «Парма» ва Ўзбекистон терма жамоасининг тўпурари Альберто Жилардино таклиф қилинмади. Босни, футболчи 23 та тўп билан тўпурарлар баҳсида украинлик Андрей Шевченкога биринчи ўринни бой берган эди. Шунингдек, мамлакат терма жамоасида етакчи ҳимоячи, «Миландан Паоло Мальдини ҳам иштирок этмайдиган бўлди. У катта футбол билан жайрлашган экан. Маълумки, Италия терма жамоаси Дания, Болгария, Швеция терма жамоалари билан бир гуруҳда куч синашиб, чорак финалга берилдиган икки йўлланмадан бирига даъвогар саналади.

ТАЙСОН РИНГГА ЧИҚМОҚЧИ

WBC чемпиони, биринчи енгил вазли Эрик Моралес 31 июль кuni IBF йўналиши бўйича чемпион Карлос Эрнандес билан жанг қилади. IBF чемпиони Даниел Рейес эса WBO чемпиони

10315 нусxada bosildi

1 — Тижорат материалли

Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 21.00. 1 2 3 4 5

Table with multiple sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Asliddin RUSTAMOV, Azimjon AYUPOV, Aziz NOSIROV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Norbobo SHAKAROV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI; BO'LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot; Ma'naviyat va ma'rifat; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot; Parlament va huquq; Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik; Xatlar va ommaviy ishlar; VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda; Buxoroda; Gulistonda; Jizzaxda; Navoiyda; Namanganda; Nukusda; Samarqandda; Urganchda; Farg'onada; Termizda; MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 23-UY; Navbatchi: Alijon ABDURAHMONOV; Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV; «Sharq» nashriyoti-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiida chop etildi; Korxonamanzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy; Gazeta O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan; Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi; Hajmi 2 bosma tobaq; O'zbekiston ovozi materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi; G — 662; 10315 nuxxada bosildi; 1 — Tижорат материалли; Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 21.00. 1 2 3 4 5; SOTUVDA ERKIN NARXDA